

Самариддин ЖУМАЕВ

“Деҳқонобод калий заводи” акциядорлик жамияти

КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИДА МОЛИЯВИЙ БОШҚАРУВ ВА ПУЛ ОҚИМЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатимиз кимё санотининг молиявий бошқарув жараёнлари ва пул оқимлари таркиби, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ўрганилган. Молиявий бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмини таҳлил қилишда фойдаланилган усуллар ва методлар ёритилган. Жамият молияси ва унинг функциялари ҳамда молиявий бошқарувнинг афзалликларига атрофлича тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимизда молия бозори турлари ва уларнинг механизмлари ўрганилган. Тизим корхоналарида молия тизимини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш омиллари келтириб ўтилган.

Таянч сўзлар: молиявий бошқарув, ташкилий-иқтисодий механизм, молия бозори.

ANALYSIS OF FINANCIAL MANAGEMENT AND CASH FLOWS IN CHEMICAL INDUSTRY ENTERPRISES

Abstract: In this article, the composition of the financial management processes and cash flows of the chemical industry of our country, its content and importance are studied. Methods and methods used in the analysis of the organizational-economic mechanism of financial management are highlighted. The advantages of public finance and its functions and financial management are discussed in detail. Also, the types of financial market and their mechanisms were studied in our country. The factors of improving the financial system and its development in the enterprises of the system are given.

Key words: financial management, organizational-economic mechanism, financial market.

Кириш

Молиявий бошқарув мамлакатнинг иқтисодий тараққиётида ва унинг ривожланишида катта роль ўйнайди. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти учун зарур бўлган молиявий ресурсларни соғломлаштиришга қаратилган муносабатлар тизимини такомиллаштириши ва бу ресурслардан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш устидан назоратни олиб бориши молиявий бошқарув деб юритилади. Молиявий бошқарув тизими мураккаб жараён бўлиб, унда бошқариладиган (объектлар) ва бошқарадиган (субъектлар)дан иборатдир. Кимё корхоналарида молиявий бошқарувнинг

объектлари сифатида молиявий муносабатларнинг турли кўринишлари тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнларини ўз ичига олса, молиявий бошқарувнинг субъектлари уни бошқарувчи сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун молиявий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида қатор ислохатлар ўтказилмоқда. Жумладан, молиявий бошқарувнинг замонавий стандарт ва усулларини жорий этиш, уларнинг функция ва вазифаларини бажарилиши, давлат бюджети тақчиллигини олдини олиш, бюджет даромадларини оширишда тизимли ишлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда кимё корхоналари молиясини бошқариш тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустаҳкамлаш, улардаги тўлов тизими шаффофлигини ошириш, маблағлардан фойдаланишда унинг самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, ўрта муддатли давр учун режалаштиришнинг замонавий усулларини жорий этишда молиявий бошқарув жараёнларини, шунингдек молия бозори таркиби ҳамда улар юзасидан тармоқ корхоналарида олиб борилаётган ўзгаришларни таҳлил қиламиз.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Агар компания яшил молиялаштириш сиёсатини қабул қилса, у кўпроқ мутахассислар ва инвесторларни жалб қилиши мумкин. Шунинг учун фонд бозори ликвидлигини яхшилайти, натижада жалб қилинадиган капитал қиймати (баҳоси)ни пасайтиради. Қолаверса, компания томонидан яшил молиялаштириш сиёсатининг қабул қилиниши компаниянинг рисксини камайтириши мумкин, натижада жалб қилинадиган капитал қиймати ҳам пасаяди [1].

Европа фирмалари томонидан Халқаро молиявий ҳисобот стандартларини мажбурий қабул қилиниши капитал қийматининг пасайишига олиб келди [2].

Компанияларда молиявий менежмент бўйича қарор қабул қилиш жараёнида капитал қийматининг роли катта ҳисобланади. Капитал қиймати бир вақтнинг ўзида иккита мақсадда қўлланилади. Биринчидан, капитал қиймати харажатни камайтириш ва молиявий ресурсларни максимал даражада ошириш учун муқобил маблағ манбаларини таққослашга ёрдам беради. Иккинчидан, капитал қиймати инвестицион таклифларни баҳолаш учун ишлатилади, чунки у минимал даромад олиш учун бенчмарк беради [3].

Молиявий менежментда энг муҳим кўрсаткичлардан бири бу капиталнинг ўртача тортилган қиймати (WACC) ҳисобланади. Бу компания

учун капиталнинг қиймати бўлиб, уни компаниянинг зарур даромади сифатида ҳам талқин қилиш мумкин. WACCни муҳокама қилишда компания, одатда, капитални турли шаклларда жалб қилиши ва капиталнинг ушбу турли шакллари билан боғлиқ ҳар хил харажатларга эга бўлиши мумкинлигини таъкидлаш лозим [4].

Капитал қиймати бу компания инвестициялари бўйича даромаднинг минимал даражаси ҳисобланади. Бошқача айтганда капитал қиймати компанияни молиялаштиришнинг умумий харажати акс эттиради [5].

Бир қатор маҳаллий олимларимиз ҳам капитал қиймати (баҳоси) бўйича изланишлар олиб боришган. “Мос равишда корхона капиталининг умумлашган баҳоси унинг алоҳида компонентлари баҳоси қўшилган ҳолда аниқланади. Корпоратив молияни бошқаришда капитал баҳоси асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади ва қуйидагиларни ҳал қилишда кенг фойдаланилади:

- инвесторлар томонидан қўйилган маблағ бўйича талаб қилинадиган қайтимни ўзида акс эттиради;

- инвестицияларнинг бир неча хил вариантларидан бирини тўғри танлаш имконини беради;

- молиялаштириш манбалари таркибини бошқаришнинг асоси ҳисобланади;

- корхона фаолиятининг ва мулкдорлар учун қўшимча қиймат яратишнинг самарадорлигини ошириш ричагларида бири сифатида юзага чиқади ва бошқалар” [6].

Х.Худойқуловнинг таъкидлашича, “жаҳоннинг йирик компанияларида капитални жалб қилиш, йирик лойиҳалар бўйича инвестицион қарорлар қабул қилишда капитал қийматини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, акциядорлик жамиятлари капитали қийматини баҳолашнинг замонавий усулларини жорий қилиш, капиталга таъсир қилувчи тизимли ва тизимсиз рисклар асосида капиталнинг левереж қийматини тўғри аниқлаш, хусусий ва қарз капиталини инобатга олган ҳолда капиталнинг ўртача тортилган қийматини ҳисоблаш, чегирмавий пул оқимларини прогноз қилиш орқали капиталнинг терминал қийматини аниқлаш, мамлакат rischi учун мукофот ва дефолт спрэд рискларини ҳисобга олиш асосида компаниянинг қарз капиталини ҳисоблаш, рисксиз активлар даражаси ҳамда капитал rischi учун мукофотни инобатга олган ҳолда капиталдан кутилаётган

даромадни аниқлаш бу борадаги илмий тадқиқотларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади”.

Тадқиқот метадологияси

Ушбу мақолада кимё корхоналарида молиявий бошқарув ҳамда молия бозорининг мамлакатимизда ўрни ва уни такомиллаштириш юзасидан қиёслаш, анализ, синтез, дедукция, илмий абстракциялаш каби методлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Кимё саноати тармоқ корхоналарида молия тизимининг асосий мақсади мамлакатнинг кимёвий маҳсулотларга бўлган талабини қондириш ва озик овқат хавфсизлигини таъминлаш ва маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборатдир. Мамлакатнинг молия тизими асосан макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш унинг молиявий бошқарув жараёнида республика бюджет профицитада, давлат қарзининг камайишида, миллий валютанинг барқарорлиги ва мустақамлигида ва ниҳоят, давлат ва жамият барча аъзолари иқтисодий манфаатларининг ягоналигида (муштараклигида) намоён бўладиган молиявий барқарорлик ва молиявий мустақилликни таъминлашдан иборатдир.

Иқтисодий субъектлар молиясининг шаклланишига кўра молия тизими икки соҳага ажратиб кўрсатилади. Биринчидан марказлашган молия ва марказлашмаган молия тизимидир. Марказлашган молия бўғинларига давлат молияси (давлат тасарруфидаги бюджет маблағлари ва уларга тенглаштирилган бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар) тааллуқли бўлса, қолган бўғинлардаги молия маблағлари марказлашмаган соҳага киради.

“Ўзкимёсаноат” АЖнинг таркибий тузилмаси 20 дан ортиқ корхоналар жамланган бўлиб, У Ўзбекистон Республикаси кимё корхоналарини бирлаштирувчи ягона комил корпоратив тизим. Жамият кимё корхоналарининг ишлаб чиқариш, инновацион ва маркетинг дастурларини тузади ва амалга оширади, ҳамда шулар орқали ҳам кимё соҳасининг барқарор ривожланиши учун шароит яратади. Жамият таркибига саноат корхоналари, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари киради. Асосан азотли, фосфорли ва калийли минерал ўғитлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Асосий корхоналар “Навоийазот” АЖ, “Максам-Чирчиқ” АЖ “Аммофосмаксам” АЖ, “Деҳқонобод калий заводи” АЖ, “Қўнғирот сода заводи” ҚК МЧЖ ва бошқар корхоналардан ташкил топган.

1-жадвал

**2023 йил кимё саноати корхоналарининг пул оқимлар таҳлили,
млрд.сўм**

T/r	Солиш ва пул маблағлари тушуми	2023 йил
	Пул маблағлар қолдиғи	793,9
I	Жами тушим	10 943,4
1.1	Ички	8 244,2
	<i>Биржа</i>	7 644,8
	<i>Бошқа</i>	599,4
1.2	Экспорт (mln doll)	33 303,4
	<i>(млрд сўмда)</i>	1 879,5
1.3	Банк кредитлари	534,5
1.4	Бошқа тушимлар	285,3
II	Жами сарф (чиқим)	11 837,4
2.1	Асосий харажатлар	6 238,6
	<i>Коммунал тўловлар</i>	3 287,2
	<i>Темир йўл хизмати</i>	225,1
	<i>Божхона тўловлари</i>	68,9
	<i>Бюджет</i>	1 168,5
	<i>Иш ҳақи харажати</i>	1 489,0
	<i>Бошқа харажатлар</i>	85,9
2.2	Молиявий харажатлар	2 768,8
2.2.1	<i>Кредит фоизалари</i>	622,4
	<i>Миллий валютада</i>	331,6
	<i>Хорижий валютада</i>	290,8
2.2.2	<i>Кредит асосий қарзлари</i>	2 146,4
	<i>Миллий валютада</i>	971,7
	<i>Хорижий валютада</i>	1 174,7
	<i>Дивиденд тўловлари</i>	321,9
2.3	Жами инвестициялар	25,1

T/r	Солиш ва пул маблағлари тушуми	2023 йил
2.4	Харид қилинган асбоб ускиналар	246,0
	Ички боҳор	69,1
	Импорт, млрд.сўм	176,9
	<i>Минг долл</i>	15 075,9
2.5	Хом ашё ва материаллар	317,6
	Ички бозор	301,7
	импорт, млрд.сўм	16,0
	<i>Минг долл</i>	1 377,4
2.6	Бошқа харжатлар	2 241,2
III	Қолдиқ (Сальдо)	-894,0
	Давр охиридаги пул маблағлари	-100,1

Манба: АЖ ҳисоботи асосида тузилди.

Кимё саноати корхоналарининг 2023 йилги даромадлар ва харажатларини таҳлил қилганимизда асосий даромадлар маҳсулот сотишдан келганлиги ва жами даромаднинг 75%и ички бозорга сотувлар ҳисобидан келиб тушганлигини кўришимиз мумкин. Кимё корхоналари ичида “Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг 2023 йилги молиявий ҳолати ва пул оқимлари билан ҳам танишиб чиқамиз.

2-жадвал

“Деҳқонобод калий заводи” АЖнинг 2023 йилги пул оқимлари таҳлили, млн. сўмда

№	Сотиш ва келиб тушган пул маблағлари	Жами	
		Режа	Амалда
I	Қолдиқ	X	266 726,5
II	Жами тушим	1 180 450,4	772 971,6
	<i>Шундан</i>		
2.1	Ички:	248 169,8	267 475,7
	<i>биржа</i>	248 169,8	267 475,7
	<i>бошқа</i>	0,0	
2.2	экспор (минг.долл.)	61 084,0	33 888,5

		(млн.сўм)	
		782 423,0	411 327,6
2.3	Банк кредитдари	0,0	0,0
2.4	Бошқа тушим	149 857,6	94 168,3
№	Харажатлар	Жами	
		Режа	Амалда
III	Жами харажат	1 218 138,1	1 038 231,3
	<i>шундан</i>		
3.1	Асосий харажатлар	355 934,7	312 200,2
	<i>Электроэнергия</i>	<i>43 849,8</i>	<i>37 200,0</i>
	<i>Табиий газ</i>	<i>7 630,5</i>	<i>6 066,3</i>
	<i>Темир йўл хизмати</i>	<i>11 767,9</i>	<i>13 600,9</i>
	<i>Божхона</i>	<i>10 729,1</i>	<i>12 067,4</i>
	<i>Бюджет тўловлари</i>	<i>105 416,1</i>	<i>83 602,4</i>
	<i>Иш ҳақи харажати</i>	<i>176 541,3</i>	<i>159 663,2</i>
3.2	Молиявий харажатлар	136 262,7	136 502,4
3.2.1	Кредит фоизлари	20 098,5	20 535,5
	<i>Сўмда</i>	<i>0,0</i>	<i>0,0</i>
	<i>Валютада</i>	<i>20 098,5</i>	<i>20 535,5</i>
3.2.2	Кредит асосий қарзлари	116 164,2	115 966,9
	<i>Сўмда</i>	<i>0,0</i>	<i>0,0</i>
	<i>Валютада</i>	<i>116 164,2</i>	<i>115 966,9</i>
3.3	Инвестициялар	0,0	0,0
3.4	Бошқа харажатлар	725 940,7	589 528,7
IV	Пул қолдиғи	X	1 466,8

Манба: АЖ ҳисоботи асосида тузилди.

Ушбу жадвалдан маълумки, “Дехқонобод калий заводи” АЖ томонидан келиб тушадиган пул оқимларининг асосий қисми маҳсулотни экспортга сотишдан эканлини кўришимиз мумкин. Жами пул тушимларининг 53% экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ҳисобига тўғри келмоқда. Харажатларнинг асосий қисми эса хорижий кредитларни сўндиришга йўналтирилган.

3-жадвал

**“Дехқонобод калий заводи” АЖнинг 2023 йилда бюджетга
тўловлари таҳлили, млн. сўмда**

№	Солиқ турлари	Тўловлар
1	Юридик шахслари фойда солиғи	10 002,2
2	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи	21 331,9
3	ҚҚС	8 341,2
4	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	5 946,0
5	Мол-мулк солиғи	8 028,0
6	Ер солиғи	6 556,0
7	Бошқа солиқлар	7 584,5
8	Ижтимоий солиқ	21 229,7
	Жами	89 019,5

Манба: АЖ ҳисоботи асосида тузилди.

2023 йилда “Деҳқонобод калий заводи” АЖ томонидан 89 019,5 млн сўмлик бюджетга тўловлар амагла оширилган.

Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида молия бозорининг ўрни катта ҳисобланади. Молия бозори бу олди-сотди объекти пул ёки пулга тенглаштирилган қоғоз билан боғлиқ бўлган бозордир. Молия бозорининг асосий таснифлари қуйидагилардан иборат. 1. Капитал бозори, 2. Қимматли қоғозлар бозори, 3. Валюта бозори, 4. Олтин бозори, 5. Суғурта бозори. Замонавий иқтисодиётда молия бозорини шаклланиши ва унинг устувор йўналишларидан бири бу капитал ёки фонд бозори ҳисобланиб, уни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши, корхона ва корпорацияларнинг эса кўшимча маблағлар жалб этишига замин яратади. Бунда иқтисодий муносабатлар нафақат пул, балки бошқа турдаги молиявий инструментлар, жумладан, қимматли қоғозлар орқали ҳам савдо қилиш имкониятини яратади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг сўнгги йилларда очиқ бозор сиёсати тамойиллари асосида олиб борилиши хорижий инвесторларга кенг имкониятлар яратилаётганлиги капитал бозорида уларнинг иштирокини йилдан йилга ошириб келмоқда. Жумладан жорий йилнинг 01 июл санаси бўйича мамлакатимизда 325 та номлари ёзилган хорижий инвесторларга тегишли 9 013,7 млрд сўмлик акция пакетлари мавжудлигини мисол тарақасида айтиш мумкин. Юртимизда капитал бозорини янада ривожлантириш, қимматли қоғозлар чиқарилишини кўпайтириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг фонд бозоридаги иштирокини кенгайтириш юзасидан амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 13.04.2021 йилдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармониغا

кўра, капитал бозори фаолиятини ривожлантириш унинг рақобатдошлигини ошириш, халқаро молия бозорлари билан фаол интеграциялашуни амалга оширишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш соҳага илғор хорижий мезонлар ва тажрибаларни жорий этиш, капитал бозорини замонавий талабларга жавоб берадиган кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, истиқболли, шу жумладан хорижий мутахассисларни жалб қилиш учун жозибадор шарт-шароитларни яратиш каби бир қатор устивор вазифалар белгиланган. Бундан ташқари 2023 йил якунига қадар капитал бозори капиталлашувини 45 трлн сўмга етказиш ва эркин муомаладаги қимматли қоғозларнинг умумий ҳажмини ялпи ички маҳсулотнинг камида 5 фоизига чиқариш вазифалари кўрсатиб ўтилган.

Акциядорлик корхоналари учун капитал бозори соҳасининг ривожланиши корхоналарда қўшимча маблағларни жалб этиш имкониятини яратади. Шунингдек, акциядорлик корхоналари маҳаллий эмитентларини дастлаб фонд биржасида жойлаштиргандан сўнг андеррайтер тавиясиси асосида халқаро фонд биржаларида ҳам жойлаштириш амалиёти жорий этилди. Шунингдек, оммовий савдолар орқали акцияларни IPO ёки SPO усулида жойлаштириш амалиёти тадбиқ этила бошлади. Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси статистик маълумотиغا кўра, 01.08.2024 йил ҳолатига жами 669 та акциядорлик корхоналари мавжуд бўлиб, 200,4 трлн сўмлик чиқарилган акциялар қийматига эга. Корпоратив облигациялар бўйича эмитентлар сони 36 тани ташкил этиб, корпоратив облигациялар чиқаришлар ҳажми 1 297,7 млрд сўмга етган. Мамлакатимиз бўйича жами акциядорларнинг сони 982 471 тани ташкил этади. Шундан юридик шахслар 65 752 та, жисмоний шахслар эса 916 719 нафардан иборат. Жами депонентлари эгалари 819 770 га етган. Улардан 63 179 таси юридик шахслар, 756 591 нафари жисмоний шахслар ҳисобланади. Шунингдек, 01.08.2024 йил ҳолатига эмитентлар сони 700 тани қимматли қоғозлар сони эса 994 тани ташкил этган. [5]

Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, фонд бозорини ривожлантирмасдан хорижий инвестицияларни жалб этиш салмоғини ошириш имконияти мавжуд эмас. Мамлакат ривожланишида хорижий инвестициялар, ва ташқи сармояларнинг роли каттадир. Инвесторлар томонидан сармояларни киритишда корхона ҳамда ташкилотларнинг имджлари тўғрисидаги маълумотларнинг шаффофлигини таъминлаш, улар қулай ва тез муддталарда олиш шароитларини яратиш зарур.

Маълумки, фонд бозори бугун хорижий инвесторлар ўз мамлакатини тарк этмасдан туриб бошқа давлатлардаги бизнес субъектларига бевосита инвестиция киритиш имкониятини тақдим этувчи майдон ҳисобланади.

Республикамиздаги фонд биржалари орқали бу амалиётни амалга ошириш имкониятлари чегараланган. Чунки хорижий ва миллий инвесторларнинг масофадан туриб брокерлик ҳисобрақамлари очиш ва фонд бозори орқали акциядорлик жамиятларига инвестиция киритиш имкониятлари ҳали тақдим этилмаган.

Жаҳондаги ривожланиш тенденция шуни кўрсатмоқдаки, хорижий фонд биржаларида молиявий инструментларнинг юзлаб турларидан фойдаланмоқда. Тошкент республика фонд биржасида эса оддий ва имтиёзли акциялар ҳамда қисман корпоратив облигациялар жойлаштирилган. Хорижий фонд биржалари тажрибаси асосида миллий иқтисодиётнинг ривожланиши инвесторлар оқимини ошириши учун турли молиявий инструментлардан фойдаланиш чоралари кўриш лозим. Жумладан, жаҳон иқтисодиётида эса иқлим ўзгаришларидан келиб чиққан ҳолда глобал яшил тараққиётга интилиш нуқтаи назаридан сўнгги йилларда яшил облигациялар ҳам муомалага чиқариш, жойлаштириш ва жалб қилинган капитални яшил лойиҳаларга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратиладиганини кўришимиз мумкин.

Иқтисодиётнинг шиддат билан ривожланиши, бунда рақамли иқтисодиётнинг устуворлик касб этаётганлиги миллий фонд бозори ва унинг профессионал иштирокчилари фаолиятини янада такомиллаштириш учун рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш, унинг имкониятларини ошириш, хорижий инвесторларни жалб қилишда қулайликларга эътибор қаратиш лозим.

Хулоса

Хулоса қилганда, кимё корхоналарида молия бошқарув тизимисиз унинг самарадорлигини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш имкони йўқ. Кимё корхоналаринининг молиясини бошқариш унинг таркибий тармоқларини иқтисодий ва ижтимоий-сиёсатини олиб бориш орқали амалга оширилади. Бунда асосан маблағларнинг етарли бўлиши, маблағлар мақсадли ва самарали сарфланиши, маблағлар харажатлари натижали бўлиши лозим.

Бундан ташқари мамлакатимиз иқтисодиётда молия бозорини шаклланиши ва унинг устувор йўналишларининг кенг жорий этиш, бунинг натижасида капитал ва фонд бозорлари инструменларини ошириш ҳисобига миллий иқтисодиётнинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг кўпайиши, корхона ва корпорацияларнинг эса қўшимча маблағлар жалб этишига замин яратади. Бунда иқтисодий муносабатлар нафақат пул, балки бошқа турдаги молиявий инструментлар, жумладан, қимматли қоғозлар орқали ҳам савдо қилиш имкониятини яратади.

Таҳлилар шуни кўрсатмоқдаки, кимё корхоналари молиявий бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишнинг пировард натижаси унинг тармоқ корхоналарида фойданинг ошириш орқали эришилишини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ran Zhang, Yanru Li, Yingzhu Liu. Green bond issuance and corporate cost of capital. // Pacific-Basin Finance Journal, Volume 69, October 2021. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0927538X21001335>
2. Patricia L.Chelley-Steeley, Neophytos Lambertides. Cost of capital changes, the quality of trading information and market architecture. // The British Accounting Review, Volume 48, Issue 4, December 2016, Pages 401-414; <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0890838916300403>
3. Cost of Capital. // Finance for Non-Finance Executives. 122-142 pages. <https://ddu.collegedu.ac.in/Datafiles/cms/ecourse%20content/BMS-%20Cost%20of%20Capital.pdf>
4. Stephen A.Ross, Randolph W.Westerfield, Bradford D.Jordan. Fundamentals of Corporate Finance. // Published by McGraw-Hill/Irwin, Ninth Edition, 2010. – P. 438.
5. P.Quiry, M.Dalocchio, Y.Le Fur, A.Salvi. Corporate Finance: Theory and Practice. // John Wiley & Sons Ltd, The Atrium, Southern Gate, Chichester, West Sussex PO19 8SQ, England. 2005. – P. 443
6. В.Е.Тoшмуродова, С.Е.Елмирзайев, Н.Р.Турсунова. Мoлиявий менежмент. // Дарслик. – Т.: “ИQTISOD-MOLIYA”, 2017. – 138-бет.
7. Х.Х.Худойкулов. Акциядорлик жамиятларининг капитал қийматини баҳолашнинг методологик асосларини такомиллаштириш. // Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ, Тошкент, 2021. – 5-бет.
8. Ўзбекистон Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси янгиликлар ва статистика. t.me/UzCSD
9. <https://uzkimyosanoat.uz/uz>